



ГЛОБАЛЛАШУВ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҲОЯСИ

Otamuratov Sadulla

Falsafa fanlari doktori, professor

Toshkent kimyo texnologiyalari instituti

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10208364>

ARTICLE INFO

Received: 19th November 2023

Accepted: 26th November 2023

Online: 27th November 2023

KEY WORDS

Глобаллашув, бағрикенглик, “оммавий маданият”, миллий маънавият, ахлоқий қадриятлар, маърифат, оммавий информация, интеллектуал салоҳият.

ABSTRACT

Ушбу мақола “глобаллашув” тушунчаси атрофлича таҳлил этилган бўлиб, унда таниқли олимларнинг глобаллашув жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари келтирилган. Бундан ташқари, глобаллашув билан бағрикенглик ўртасидаги муносабатларида маърифий омил устивор даражада амал қилиши, бунинг натижасида миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларининг миллий тараққиётга таъсирини ўтказиш имконияти кенгайиб бориши мумкинлиги қайд этилган.

Жаҳон олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда “Глобаллашув” тушунчасига турли таърифлар берилмоқда ва турли қарашларни билдириш давом этиб келмоқда. Лекин унинг ер қуррасини бир бутунлигини ифодалаш ва барча соҳаларни “ягоналигини” таъминлаш жараёни, омили сифатида қараш умумий қарашларда устивор бўлиб келмоқда. 2006 йилда “Глобаллашув” тушунчаси ва унинг турли соҳаларга ўтказаетган таъсирини аниқлашга бағишланди жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида “Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь” тайёрланиб эълон қилинди. Унда Глобаллашув тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар ва унинг таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, америкалик олим Т. Фридман шундай таъкидлайди. “Глобаллашув – бу “совуқ уруш тизимини” алмаштирган янги тизим” [1], деб ҳисоблайди. Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, иқтисодиётда кечаётган глобаллашув жамият, мамлакат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шунинг билан бирга уни ўз даврида жаҳонни ларзага солган ва бутун инсониятга хавф туғдирган “совуқ уруш” билан тенглаштирган муаллифлар борлигини ҳам кўрдик. Ҳақиқатдан ҳам муаллифлар томонидан илгари сурилаётган фикрларда глобаллашувнинг иқтисодиётга сиёсатга ва жаҳон миқёсидаги жараёнларга ўтказаетган таъсири кенг қамровли эканлиги кўрсатиб берилган. Айниқса унинг иқтисодиётга ўтказаетган таъсирига асосий эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Ҳақиқатан ҳам иқтисодиётдан манфаатдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. У инсон ҳаёт кечиришининг моддий асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам



иқтисодиётдаги глобаллашув миллий-маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади. Шунинг билан бирга Т.Фридманнинг глобаллашувнинг “совуқ уруш” сиёсати билан тенглаштирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳақиқатдан ҳам бугун у бутун инсоният, айниқса унинг олий қадриятларидан бири бўлган “миллат”га солаётган таҳдидини “совуқ уруш” сиёсатига тенглаштириш мумкин. Республикамизда ҳам тадқиқотчиларимиз томонидан глобаллашув жараёнини ўрганишга бўлган қизиқиш республикамизда ҳам ортиб бормоқда. Ҳали бу масалага бағишланган фундаментал тадқиқотлар эълон қилинмаган бўлса ҳам бир қатор илмий жиҳатдан пишиқ бўлган мақолалар эълон қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёнинг кўзга кўринган назариётчилари, эксперт ва мутахассислари глобаллашувни иқтисодиётда кетаётган жараён сифатида қараб келмоқдалар. Жумладан, иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотининг совриндори, Колумбия университетининг профессори (АҚШ) Жозеф Стиглиц, АҚШнинг таниқли файласуфи ва социологи Френсис Фукуяма, шу мамлакат президентининг собиқ ёрдамчиси, таниқли социолог Збигнев Бжезинский, иқтисодиётни Бомбей, Кембридж, Оксфорд университетларида, Массачусет технология институтларида ва Колумбия университетларида ўрганган глобаллашув бўйича эксперт, дунёнинг етакчи иқтисодчиларидан бири Жагдиш Бхагвати ва бошқа бир қатор иқтисодчилар глобаллашувни жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараён сифатида қарайдилар [2]. Шунинг билан бир қаторда глобаллашувни сиёсат ва давлатчилик билан боғлаб қарайдиганлар ҳам бор. Улар жумласига глобаллашувни ўрганувчи Йель маркази эксперти (АҚШ) Марк Сирвэл, Ж.Кеннеди номидаги Гарвард университетининг Сиёсат мактаби институтининг деректор ўринбосари Дэвид Кинг, россиялик етакчи аналитик “Сиёсат” жамғармаси президенти Вячеслав Никонов ва бошқаларни кириш мумкин.

Улардан, масалан Жозеф Стиглицнинг фикри қўйидагича: “глобаллашув инсонлар ҳаётини яхшилашнинг энг яхши потенциалидир, шу жумладан, ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси яхшиланмоқда. Унинг айрим йўналишлари ҳозирнинг ўзида, масалан, илмнинг глобаллашуви соғлиқни сақлаш, инсонларнинг умрини узайтиришга олиб келди” [2]. Бундан ташқари уларда ҳам глобаллашувни турли соҳаларда содир бўлаётган интеграциялашувнинг натижаси сифатида қарашлар устуворликни ташкил қилади. Шунинг билан бирга унга кўпчилик муаллифлар жараён сифатида қарашмоқдалар. Бундай қараш мазмунини дунё мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг табиий равишда мустаҳкамланиб бориши ва уларнинг ўзаро интеграциялашуви натижаси сифатида, субъектив омиллар таъсири – яъни катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг кам тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларини турли йўл ва воситалар билан қўлга киритиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаси сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Хуллас, глобаллашув тушунчаси ҳақида қарашлар турли туманлигича давом этиб келмоқда. Бу табиий хол. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаетган таъсирида ҳам янги янги имкониятлари намоён бўлмоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув жаҳон миқёсида бир қатор ижобий аҳамиятга эга бўлмасин унинг таъсирида миллатлар ижобий



ҳаётида содир бўладиган салбий жараёнларнинг олдини олиш умуминсоний муаммо даражасига айланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб глобаллашув таъсирида шаклланаётган “оммавий маданият” барча халқлар ва миллатлар маънавий ҳаётига кириб келмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, биронти ҳам миллий маънавият унинг таъсиридан четда қолаётгани йўқ.

Жумладан, ўзбек миллий-маънавияти ҳам глобаллашув таъсирида “оммавий маданият” ҳисобига бойиб бормоқда десам адашмайман. Бугун нафақат шаҳарларда, шунингдек айрим қишлоқларда ҳам кийинишдан Овропаликлардан фарқ қилмайдиган ярим яланғоч қизларимизнинг кўпаётгани, миллий эстрадамиздан кўра “РЭП”ни улуғ кўрадиган, у ўйналаётганда ўзини бошқара олмай беҳаё қилиқлар қилаётган ёшларимизнинг сонининг ошиб бораётганлиги, жамиятимизда индивидуализмга мойилликнинг ривожланиб бораётганлиги миллий қадриятларимизнинг “каттага ҳурмат, кичикка иззат” – қариндош-уруғчиликда оила муқаддаслиги каби дурдоналарининг амал қилишининг сусаётгани, ва бошқа бир қатор миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларимизда пайдо бўлаётган салбий ўзгаришлар глобаллашувнинг таъсирида содир бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Алишер Навоий, Абдулла Қодирий каби буюк боболаримиз тасвирлаган, орзу қилган севги, муҳаббат, вафо, меҳр каби инсоннинг энг нозик ва улуғ туйғуларнинг бачканалликка, ўйинчоққа, вафосизликка, хиёнатга айланиб миллий-маънавий ҳаётимизга кириб келаётганида ҳам ана шу глобаллашув, тўғрироғи уни оммалаштирилаётган замонавий оммавий информацион воситалар, техника ва технологиялар жонбозлик қилмоқда. Улар Россия телевидениясида берилаётган “пусть говорят” ёки ТНТ, НТВ, биринчи дастури (программасида) ва каналларида кўрсатилаётган “Дом 2- Город любви”, “Комеди Клуб”, “Интуиция”, ва бошқа кўрсатувлари орқали миллий- маънавий ҳаётимизга кириб келаётганлигининг афсус билан таъкидлашимиз лозим бўлади. Энг ачинарлиси, бундай кўрсатувларни бугун нафақат шаҳар, шунингдек, узоқ қишлоқ ёшлари ҳам бугуннинг улкан мўжизаси бўлган ана шу оммавий информация воситалари-ю, техник ва технологияларининг “ютуғи” сифатида томоша қилмоқдалар. Худди ана шу воситалар ёшларимизга беҳаёлик, хиёнат, шармандалик ва ахлоқсизликнинг энг жирканч кўринишларидан “сабоқ” бераётганлигининг гувоҳи бўлаётирмиз. Агар республикамизда мавжуд хусусий телевидениеларнинг хорижий мамлакатлардаги ҳаёсизлик ахлоқсизлик ва шармандаликдан иборат бўлган кинофильм, клиплар турли дискларга кўчириб сотаётганлигини ва уларни ёшлар сотиб олаётганлигини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, глобаллашувни глобаллаштираётган “мўжизалар”нинг миллий маънавиятимизга ўтказаетган салбий таъсирининг қандай кенг кўламга етканлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Миллий маънавий ва ахлоқий ҳаётимизда юзага келаётган салбий ҳолатлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин гап бу ерда уларнинг сони ва таъсир ўтказиш жараёни ҳақида эмас, балки ана шундай салбий таъсирларнинг ортиб бориши шароитида, улардан миллий маънавий ахлоқий қадриятларимизни ҳимоялашимиз, айниқса ёшларимиз онги ва қалбини ўз маънавий меросимиз қадриятларимиз билан бойитишимиз мумкинлиги ҳақида бориши лозим



бўлади. Аввола, шуни таъкидлаш лозимки, глобаллашув объектив жараён, у инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ривожининг маҳсули шу маънода ҳам уни куч билан тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам унинг таъсирида ҳимояланишнинг маърифий йўлидан бориш ўзининг самарасини бериши мумкин.

Глобаллашув билан бағрикенглик ўртасидаги муносабатларида маърифий омил устивор даражада амал қилсагина миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятларининг миллий тараққиётга ўзининг таъсирини ўтказиш имконияти кенгайиб бориши мумкин.

Аслида, глобаллашув билан бағрикенглик бир-бирига зит бўлган омиллар ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, глобаллашув иқтисодий ҳаётда қанчалик ижобий аҳамият касб этмасин, у барибир миллий-маънавиятнинг емирилишига ўтказадиган таъсири билан ниҳоятда хатарли жараён ҳисобланади. Агар миллий-маънавий турли-туманлик, уларнинг ўзига хос гўзаллиги, ифори, оҳанграбоси барбод бўладиган бўлса, инсоният улардан маҳрум бўладиган бўлса, у фақат қорни учун яшайдиган манхуртга айланиб қолса, бу ёруғ оламда унинг ўрни қаерда қолади, бугунги тамаддун муҳлатидан аввал тугамайдими?.. – деган саволни қўйиш ва уларга жавоб излаш бугуннинг энг долзарб муаммоларига айланди.

Фикримизча, глобаллашув жараён экан, уни куч билан тўхтатиб бўлмас экан, унинг миллий-маънавиятга ўтказадиган таъсиридан ҳимояланишининг камида иккита имконияти бор. Улардан биринчи, глобаллашувнинг объектив жараён сифатида қабул қилиб, унга қарши кучни эмас, балки маърифатни қўйиш, унга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш тўғри бўлади. Бунинг маъноси шуки, унинг барча ижобий имкониятлардан миллий тараққиёт йўлида фойдаланиш лозим. Унинг дунё фани, техника ва технологиясида содир бўлаётган энг сўнги ютуқларни оммалаштиришдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш глобаллашув жараёнига бағрикенглик билан муносабатда бўлишни билдиради. Агар бу жараёндан моҳирлик билан фойдаланилса миллий тараққиётда кутилаётган натижаларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Ана шу жиҳатдан қараганда глобаллашув билан бағрикенглик бир-бирига зид омиллар эмас, балки улар миллий-тараққиётга ижобий таъсир ўтказидиган омиллар сифатида қаралишига эришишимиз лозим.

Иккинчидан, глобаллашувнинг салбий таъсирларидан ҳимояланишда миллий интеллектуални унинг тезлик ритимларидан юқори даражада ривожланишига эришишни стратегик вазифа сифатида амалга ошириш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади. Бунинг маъноси шуки, глобаллашувнинг таъсирида дунёда фан, техника ва технология соҳасида эришилаётган ютуқларни ўз ҳаётимизда фойдаланишда боқимандаларга айланиб қолмаслигимиз лозим. Бу жараёнда биз ҳам ўз интеллектуал салоҳиятимиз билан тенг қатнашишга эришамиз глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимояланишимизга ёрдам беради. Глобаллашув таъсирида интеллектуал боқимандалик миллий тараққиёт учун ҳалокатли йўлдир. Унда фақат тенг қатнашолсак, ўзимизнинг ўрнимизга эга бўлсак, миллатимиз ўз юзини, ўзлигини сақлаб қолади ва бугунги тамаддуннинг узоқ умр кўришига ўзининг ҳиссасини қўшиши мумкин бўлади. Учинчидан, бугунги кунда жаҳон миқёсида ўз таъсирини кучайтираётган “оммавий



маънавият”га қарши ўзимизнинг миллий- маънавий меросимизни: а) мамлакатимизда ёшларимиз ўртасида кенг оммалаштиришимиз; б) улар онги ва қалбида миллий-маънавий меросимизнинг ўзга “оммавий маданият”дан устун, бой ва гўзал эканлигини сингдиришимиз лозим. Бу вазифани амалга оширишда маблағни аямаслигимиз ва айти пайтда ҳар биримизнинг фидойилик кўрсатишимиз, бу вазифа миллатнинг эртанги керак бўлса истиқболда ҳам ўз “мен”лигини сақлаб қолиши билан боғлиқ эканлигини ҳар бир миллатдошимизнинг англаб етишига эришамиз. Бунинг учун эса таълим ва тарғибот ишларини янги поғонада кўтаришимиз лозим: б) миллий-маънавий меросимизни жаҳон миқёсида оммалаштиришни янада кенгайтириш; яъни “оммавий маданият”га нисбатан миллий маънавиятимизнинг бой ва гўзал эканлигини дунё миқёсида тараннум этишимиз лозим бўлади. Шу муҳим масалага асосий эътибор қаратишимиз лозимки, “оммавий маданият” миллий маданиятлар синтези эмас, балки тараққий қилган, қўлида замонавий техника ва технологиянинг энг сўнги ютуқлари мавжуд бўлган, дунёга хўжайинлик қилмоқчи бўлган бир ховуч карчилонлар маданияти эканлигини ҳар доим ёшларимиз онгига сингдиришимиз, унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар доим бонг уришимиз лозим. Айти пайтда “миллий маънавият”нинг “оммавий маданият” ҳисобига эмас, балки миллий заминларимиз ҳисобига бойиб бориши миллий тараққиётимизнинг стратегик вазифасига айланишига эришимиз глобаллашувнинг миллий-маънавиятга ўтказадиган таъсиридан ҳимояланишимизнинг муҳим омили эканлигини доимо қарашларимиз ва хатти- ҳаракатларимизда ўз ифодасини топмоғи лозим.

“Оммавий маданият”нинг миллий-маънавиятга ўтказадиган салбий таъсиридан ҳимояланишда кучга нисбатан интеллектуалга миллий-маънавий меросга ва фидойиликка таяниш, бу жараёнда бағрикенглик руҳиятига амал қилишимизни билдиради.

Бугун глобаллашув жараёнини тўхтатишга ҳеч қандай куч ва қудрат етмаган шароитда, унга бағрикенглик билан қараб, унинг “ташқарисида” эмас “ичқарисида” қатнашимиз миллий тараққиётимиз учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Зеро, бугун тараққиётга қарашлар билан эмас, балки ўзаро монандлик тенглик, ўзаро манфаатдорлик билан эришиш мумкинлиги ҳаётий ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Ҳар қандай курашга қарши кураш албатта ўзининг акс садосини бериш ҳам бугуннинг ҳақиқатдир. Боз устига тақлидчиликнинг ёшлар ўртасидаги маънавий бойишнинг муҳим манбасига айланиб бораётганлиги шароитида глобаллашув миллий-маънавиятга ўтказадиган таъсиридан унга қарши “кураш”дан эмас, балки унда тўлақонли тенг қатнашишга эришимиз амалий аҳамиятга эга бўлади. Глобаллашув шароитида бағрикенглик ғояси ва амалиётнинг ўрни ва аҳамияти ҳам ана шу фаолиятида ўз ифодасини топади.

References:

1. Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. Москва – Санк-Петербург – Нью-Йорк, 2006. – С. 163.



2. Uzbekistan and Central Asia. – Центр политических исследований. Информационно-аналитический Бюллетень. IX-2007. – С. 42-45.
3. Норкулов С. Д., Атамуратова Ф. С. Диалоговая технология в образовательном процессе //Сборник тезисов и докладов научно-практической конференции к. – С. 74.
4. Атамуратова Ф. С. Духовное наследие великих мыслителей Востока и их вклад в медицину. – 2016.